

## Ҳаж ибодати | Фиқҳ дарслари (348-дарс)



19:00 / 02.10.2025 932

**Ҳаж ўзига зарур нарсалардан ва қайтиб келгунча аҳли аёлининг нафақасидан ортиқча зоди роҳиласи бор ҳар бир ҳур, соғ-саломат, кўзи кўрадиган, мукаллаф, мусулмонга фарздир. Яна йўлда омонлик ва аёл кишига, агар у билан Макканинг орасида сафар масофаси бўлса, эр ёки маҳрам ҳам шарт. Умри давомида бир марта. Фарз бўлиши билан дарҳол адо қилинади.**

**Агар ёш бола эҳром боғлаганидан кейин балоғатга етиб қолса ёки қул озод қилинса, фарзини адо қилмаган бўлади. Агар ёш бола фарз учун эҳромини янгиласа, тўғри бўлади, қул учун эмас.**

**Унинг фарзлари - эҳром, Арафотда туриш ва зиёрат тавофидан иборат.**

**Унинг вожиблари - Муздалифада туриш, Сафо ва Марва орасида саъй қилиш, тош отиш, четдан келганлар учун видо тавофини қилиш ва соч олдириш. Ҳажнинг юқорида зикр этилганлардан бошқа амаллари суннат ва одоблардир.**

**Ҳаж ойлари шаввол, зулқаъда ва зулҳижжанинг ўн кунидан иборат. Ул ойлардан олдин ҳажнинг эҳроми макруҳдир.**

«Ҳаж» сўзи луғатда «улуғ нарсани қасд қилиш»га ишлатилади.

Ислом шариатида:

**Ҳаж - махсус маконда махсус амаллар билан махсус ибодатни адо этишдир.**

*Махсус замон.*

Ҳаж фақат махсус вақтда адо қилинади. Хусусан, унинг бош рукни – Арафотда туриш зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни бўлиши шарт. Бошқа вақтда ҳар қанча турса ҳам ҳаж ҳисобланмайди.

*Махсус макон.*

Ҳаж ибодатини адо этиш учун Аллоҳ таоло томонидан ирода қилинган маконлар: Масжидул Ҳаром, Арафот, Муздалифа, Мино каби жойлар махсус макондир. Бошқа жойларда бу ибодатларни адо этиш мумкин эмас.

*Махсус амаллар.*

Бунда эҳром, Каъбани айланиб тавоф қилиш, Сафо ва Марва орасида саъй қилиш, Арафотда туриш, Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш каби амаллар кўзда тутилган.

Бу ибодат аҳли аёлининг ҳожатидан ортиқча етарли маблағи бор, соғлом, омонликдаги хотиржам мусулмонга умрида бир марта фарз бўлади.

Ҳаж ибодатида улкан ҳикматлар бор. Бу ҳикматларнинг барчасини инсоннинг ожиз ақли тўлиқ англаб олиши қийин.

Ҳажда исломий бирлик ёрқин намоён бўлади. Ҳаж чоғи мусулмонларнинг ҳис-туйғулари, ибодатлари ва ҳатто суратлари ҳам бир хил бўлади. Бу ерда ирқчилик, маҳаллийчилик, табақачилик каби нарсаларга ўрин қолмайди: ҳамма мусулмон яккаю ягона Аллоҳ таолога иймон келтиради, бир Байтуллоҳни тавоф қилади.

Тинчлик Ислоннинг шиори экани ҳажда яна бир бор намоён бўлади: ҳамма тинч, юрт тинч, ибодат тинч, халқ тинч.

Ҳаж улкан исломий анжуман бўлиб, ҳар бир мусулмон дунёнинг турли бурчакларидан келган дин қардошлари билан учрашади, турли масалаларни муҳокама қилади. Ислон ва иймон ришталари мустаҳкамланади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг марҳамати ва ризолигига эришиш учун ҳамма нарсадан, ҳатто дунёвий кийимларидан-да холи бўлиб, Унинг, ёлғиз Унинг хизматига бел боғланади.

Бошқа динларда Аллоҳ таолонинг ризолигини топиш учун таркидунёчиликка берилдилар. Ислон динида ҳаж таркидунёчиликнинг ўрнига жорий қилинган.

Аллоҳ таоло Ўз уйини улуғлаб, шарафлади ва бандалари учун унга етишишни олий мақсад қилиб қўйди.

Ана ўша уйни ҳаж қилган мусулмон қалби софланиб, яхшилик қилишга янада кўпроқ интиладиган ва ёмонликдан қочадиган бўлиб қайтади.

Ҳажда мусулмон банди омонлик юрти бўлмиш Маккаи Мукаррамага сафар қилади. Макка – улуғ, муқаддас шаҳар. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда унинг номи билан қасам ичган. Ўзининг уйи бўлмиш Каъбанинг шу шаҳарда қарор топишини ирода қилган.

Охирзамон Пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам шу шаҳарда дунёга келишларини хоҳлаган. Охирги Китоби – Қуръони Карим оятларини нозил қилишни ҳам шу шаҳарда бошлаган. Бу шаҳарни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда «Уммул қуро» – «Шаҳарларнинг онаси» деб атаган. Ҳар бир мусулмон учун азиз ва мукаррам бўлган бу муқаддас шаҳарга сафар қилиш, ҳар куни намозларида неча бор юзларини тўғрилайётган қиблани тавоф этиш чексиз бахтдир.

Ҳаж улуғ руҳий озуқа берадиган ибодат бўлиб, унда мусулмон банданинг вужуди Аллоҳ таолога тақво билан, Унга тоат қилишга азму қарор билан, гуноҳларига надомат билан тўлади. Бу сафарда банданинг Аллоҳга, Унинг Расулига ва мўмин-мусулмонларга бўлган муҳаббати зиёда бўлади, дунёнинг ҳамма тарафларидаги дин қардошларига нисбатан дўстлик туйғулари жўшиб, мустаҳкамланади.

Ҳаж – машаққатларни енгишни ўргатадиган машқ майдони ҳамдир. Ватандан, аҳли аёлдан узоқда, роҳат-фароғатдан воз кечиб, турли қийинчиликларга ўзини урган одам албатта, бошқа ҳар қандай машаққатларни осонлик билан енгиш малакасини ҳосил қилади. Ва ҳоказо...

Энди «Мухтасари Виқоя»да келган матнларни шарҳлашга ўтайлик.

**Ҳаж ўзига зарур нарсалардан ва қайтиб келгунча аҳли аёлининг нафақасидан ортиқча зоди роҳиласи бор ҳар бир ҳур, соғ-саломат, кўзи кўрадиган мукаллаф мусулмонга фарздир. Яна йўлда омонлик ва аёл кишига, агар у билан Макканинг орасида сафар масофаси бўлса, эр ёки маҳрам ҳам шарт. Умри давомида бир марта. Фарз бўлиши билан дарҳол адо қилинади.**

***«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.